

ТО'РАМ

**NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI
POLIMERLI KOMPOZITLAR FIZIKASI VA KIMYOSI
HAMDA KONSTRUKSION MATERIALLAR
TEKNOLOGIYASINI DOLZARB MUAMMOLARI
XALQARO KONFERENSIYA**

СБОРНИК

**НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФИЗИКИ И ХИМИИ
ПОЛИМЕРНЫХ КОМПОЗИТОВ А ТАКЖЕ
ТЕХНОЛОГИЯ КОНСТРУКТИВНЫХ МАТЕРИАЛОВ
МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ**

**CONFERENCE
PROCEEDINGS**

**NAMANGAN STATE UNIVERSITY
ACTUAL PROBLEMS OF PHYSICS AND CHEMISTRY
OF POLYMER COMPOSITES, AND TECHNOLOGY
OF CONSTRUCTIVE MATERIALS
INTERNATIONAL CONFERENCE**

II

**12-13 IYUL 2017
NAMANGAN, O'ZBEKISTON**

ЛИКОРИН ГИДРОХЛОРИД СУБСТАНЦИЯСИНИ АЖРАТИБ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ СХЕМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Ботиров Р.А., Умархонова Х.В.* Хўжаева Н.Т.*

ЎЗР ФА акад. С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти
Тошкент ш. М.Улугбек к. 77 уй. тел.: (998-71) 262-71-00, e-mail: botiroovr@mail.ru

*Муқумий номидаги Қўқон давлат педагогика институти
Қўқон шаҳри Мавороунахр кўчаси 77-уй. тел.: (998-73) 542-05-76, e-mail:
xujayev_030@mail.ru

Северцов омонкораси (*Ungernia Severtzovii*) ер устки қисмидан ликорин гидрохлориди дори воситаси субстанциясини ажратиб олишни такомиллаштирилган технологияси яратилганлиги ҳақида хабар берган эдик [1].


Ҳозирги вақтда, экологик муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ва инсон соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида дори воситаларини саноат усулида ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган органик эритувчилар захарли, тезда учувчан, портлаш хавфи юқори ва осон алангаланадиган бўлмаслиги, таннархи арзон ва кам вақт сарф бўлиши керак.

Яратилган технологияни мавжуд усулларга нисбатан технологик босқичларнинг камлиги, кам вақт сарф бўлиши, катионит, поташ каби реактивларни ишлатилмаслиги, инсон саломатлиги учун хавфли бўлган этил спирти, хлороформни кам миқдорда ишлатилиши, таклиф этилаётган технологияни иқтисодий жиҳатдан самарадор эканлигини исботлади [2].

Шундан келиб чиқиб, Северцов омонкораси ўсимлиги ер устки қисмидан ликорин гидрохлориди субстанциясини ажратиб олишнинг янги такомиллаштирилган, иқтисодий самарадор технологиясини (1-расм) қуйидаги технологик жараёнларни босқичма-босқич бажариш орқали ишлаб чиқилди.

1-расм


Ликорин гидрохлориди субстанциясини ажратиб олишнинг янги
такомиллаштирилган, иқтисодий самарадор технологиясининг блок схемаси



Северцов омонқораси ўсимлиги ер устки қисмидан ликорин гидрохлориди субстанциясини ажратиб олишни такомиллаштирилган янги иқтисодий жиҳатдан самарадор технологияси босқичларни амалга ошириш учун институт тажриба ишлаб чиқариш корхонасида керакли жихоз ва қурилмаларни тузиш устида ишлар олиб борилди. Натижада ликорин гидрохлорид дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш учун махсус бир тизим ишлаб чиқилди.

2-расм

Таклиф этилаётган янги технология асосида ликорин гидрохлорид субстанциясини ишлаб чиқаришнинг технологик тизим схемаси



ЎМ1-ўсимлик майдалагич, Т-тарози, Ў1, Ў2...,Ў8,-ўлчагичлар, P1-реактор, УФ-ультрафильтрация қурилмаси, Т1...,Т7-тўплагич, А1, А2, А3, А4-аралаштиргичлар, 4-вакуум буғлатиш аппарати, Ф1, Ф2, Ф3, Ф4, Ф5-фильтрлар, СХ1-сув хаммоми, К1, К2, К3-кристаллизаторлар, Қ1,Қ2,Қ3- қуритиш шкафи.

Бу ишлаб чиқилган тизим асосида ликорин гидрохлорид дори воситаси субстанциясини дастлабки намуналари ажратиб олинди. Олинган намуналар физик ва кимёвий усуллар билан таҳлил қилинганда фармакопоя мақоласи талабларига тўла жавоб бериши аниқланди.

Фойдаланилган адабиёт

1. Садиков А.З., Сағдуллаев Ш.Ш., Ботиров Р.А. “Совершенствование технологии получения ликорина гидрохлорида из листьев *ungernia Severtsovii*”. //Ташкент, Фармацевтический журнал. 2011г. -№ 1. -С. 37-41.

2. Ботиров Р.А., Умарханова У.В. “Северцов омокораси ўсимлиги баргларида ликорин гидрохлорид олишнинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги” // Кимёвий технология ва озик-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришда инновацион ғоялар республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами, Наманган 2016 йил 26-27 апрел 1-қисм, 251-253 бетлар.